

**ЎЗБЕКИСТОНДА БАНКЛАРНИНГ ВАЛЮТА БОЗОРИДАГИ
ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Якубова Саида Анваржоновна

“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ

Ҳисоб-клиринг палатаси бошлиги

Аннотация (Abstract): Мазкур мақолада Ўзбекистонда валюта операцияларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ёритилган. Шунингдек, мақолада жаҳон валюта бозорларида, Ўзбекистон ички валюта бозори ва тижорат банкларида ҳамда Ўзбекистон валюта биржасида валюта операцияларини амалга оширишнинг амалдаги ҳолати таҳлили ва мавжуд муаммолар ўз аксини топган.

Калит сўзлар (Key words): валюта, валюта бозори, спот, форвард, опцион, фьючерс, валютавий своп, валюта риски, хеджерлаш, очик валюта позицияси, инфляция, фоиз ставкаси, савдо баланси, девальвацион кутилма, дефицит, пул массаси, РЕПО, диверсификация.

2023 йилда жаҳон валюта бозорининг ҳажми 805 миллиард АҚШ долларига етди. IMARC Group келажакка назар ташлар экан, 2032 йилга келиб жаҳон валюта бозори ҳажми 1 466 миллиард АҚШ долларига етишини қайд этган ҳолда 2024-2032 йилларда йиллик ўсиш суръати 6,92 фоиз бўлишини прогноз қилмоқда. Бу каби ҳолатларнинг вужудга келишига халқаро савдо майдонларида замонавий технологиялар интеграциялашувининг кучайиб бориши, валюта айрибошлаш хизматларига бўлган талабни юзага келтирадиган халқаро бизнеснинг глобаллашуви, шунингдек, инфляция, фоиз ставкалари ва ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши каби турли иқтисодий омилларнинг таъсири кучайиб бораётганлиги сабаб бўлмоқда[1].

Бугунги кунда жаҳон валюта бозорида амалга ошириладиган операцияларнинг турлари бўйича тақсимотини таҳлил этадиган бўлсақ, унда валютавий своп, тўғридан тўғри форвард ва валютавий своп ҳамда валюта опционлари асосий ўринларни эгаллайди. Валютавий своп операциялари мазкур операциялар ичида энг катта сегментни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрь «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли Фармонининг қабул қилиниши амалдаги валютани тартибга солиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, валюта сиёсатини либераллаштириш, барча тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда тенг шароитлар яратишга қаратилган эди[2]. 2017 йилда бошланган банк секторини ислоҳ қилишнинг фаол босқичи валюта бозорини либераллаштиришга улкан ҳисса қўшди.

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрда “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ЎРҚ-573-сон Қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши муносабати билан валюта операцияларининг амалиётдаги мавжуд турлари қамраб олинди ҳамда қонунчиликдаги нормалар максимал даражада қисқартирилди[2].

Ўзбекистонда валюта бозорини эркинлаштириш борасида амалга оширилган ислоҳотларнинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида чет эл валюталари савдолари ҳажми 2022 йилда 20,599 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2023 йилда мазкур кўрсаткич 18,5 фоизга ўсиб, 25,294 млрд. АҚШ долларига етган[3].

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг ички валюта бозорида чет эл валютасига бўлган талаб ва чет эл валютасининг таклифи миқдорлари, млн. АҚШ доллари[12]

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Чет эл валютасига бўлган талаб	11 353	15 537	19 488	26 091	36 606
Чет эл валютасининг таклифи	5 760	9 757	11 824	18 439	27 687

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасининг ички валюта бозорида чет эл валютасининг таклифининг миқдори 2018-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий статистик маълумотларига кўра:

* 2022 йилда импортни молиялаштириш манбалари таркибида ички валюта бозорида сотиб олинган маблағлар (конвертация) улуши 58 фоизни, хорижий валютадаги ўз маблағлари ҳисобига импортни молиялаштириш 32 фоизни, чет эл валютасидаги кредитлар ҳисобига молиялаштириш эса 10 фоизни ташкил этди;

* 2022 йилда ички валюта бозорида чет эл валютасининг асосий қисми (56.6 фоиз) ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар, товарлар ва хомашё импорти, 18.8 фоизи хорижий кредитларни сўндириш, 20.8 фоизи ҳалқ истеъмоли товарлари ва дори-дармон маҳсулотлари импорти, 2.1 фоизи хорижий инвесторлар даромадларининг репатриацияси ва қолган 1.7 фоизи бошқа мақсадлар учун харид қилинган[4].

Етакчи валюталарда (АҚШ доллари, евро, Япония иени, фунт стерлинг, швейцар франки, Канада доллари, Австралия доллари) конверсион операцияларни тўлақонли амалга ошириш мақсадида, биринчидан, валютавий своп ва ГОЛД своп операциялари ҳажмини ошириш йўли билан етакчи валюталарда захиралар ташкил қилишни йўлга кўйиш керак; иккинчидан, валюта захираларини диверсификация қилишнинг қуидаги имкониятларидан фойдаланиш зарур:

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

* компанияларнинг ташқи савдо битимларининг валютавий таркибини қайта кўриб чиқиш;

* тижорат банкларининг валюта захираларининг диверсификация даражасини муддатли валюта битимлари ва валютавий своп битимларидан фойдаланган ҳолда ошириш;

* давлатнинг ташқи қарзини валютавий таркибини қайта кўриб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида 2018-2022 йилларда амалга оширилган конверсион операцияларнинг мутлақ асосий қисми (90 фоиздан ортиқ қисми) АҚШ долларида амалга оширилган операцияларнинг ҳиссасига тўғри келди.

Бу эса, валюта операциялари ҳажмини ошириш вавалюта рискини бошқариш самарадорлигини ошириш учун бўлган зарур шартшароитларни яратиш имконини бермайди.

Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида 2018-2022 йилларда амалга оширилган конверсион операцияларнинг мутлақ асосий қисмини АҚШ долларида амалга оширилаётгандигининг асосий сабаби бўлиб, корхоналар, тижорат банклари ва давлатнинг валюта захираларини диверсификация даражасини паст эканлиги ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. IMARC Group: Market Research Reports. Foreign Exchange Market Report by Counterparty (Reporting Dealers, Other Financial Institutions, Non-financial Customers), Type (Currency Swap, Outright Forward and FX Swaps, FX Options), and Region 2024-2032 (<https://www.imarcgroup.com/foreign-exchange-market>).
2. Ўзбекистон Республикасининг 22.10.2019 йилдаги “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ЎРҚ-573-сон Қонуни. www.lex.uz.
3. Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные отношения. – М. Юрайт, 2016. – 543с.
4. Эскиндаров М.А., Звонова Е.А. Международные валютные отношения. Учебник. – М.: КНОРУС, 2018. – С. 360.
5. Васильева И. П., Хмыз О. В. Теоретические аспекты функционирования валютного рынка // Финансовый бизнес. – Москва, 2009. – № 2. С. 23 – 33.
6. Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – Б. 24.
7. Бобакулов Т.И., Абдуллаев У.А. Халқаро валюта-кредит муносабатлари. Дарслик. - Тошкент: Sano-standart, 2014 - Б. 107-108.
8. ТИФ Миллий банкининг 2019-2023 йиллардаги молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.
9. Республика валюта биржасининг 2019-2023 йиллардаги йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

10. Raximov M. Y. Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. O'quv qo'llanma / O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lif vazirligi Toshkent Moliya instituti. -T.: «IQTISOD-MOLIYA», 2013.392 b.
11. Raximov M.Y. Moliyaviy tahlil-2 (o'quv qo'llanma) T.:TMI. 2003 y. 166 b.
12. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Xo'jalik yurituvchi subyektlarda CVP-tahlilni tashkil etishning muammoli jihatlari. *YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT*, 4 (2024), 754–759
13. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисоботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting*, Issue 1, February 2023.
14. Қличев, Б. (2022). КРІ ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАФБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1343>
15. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2024). Problematic Aspects of Organizing Cvp-Analysis in the Enterprises of Uzbekistan // Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 5(5), 241–248. Retrieved from <https://wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/4906>
16. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting*, Issue 2, April 2023.
17. U.K.Yakubov, G.S.Maxmudova. (2022). Biznes tahlil: Operatsion tahlil-1,2. (Darslik). –T.: “Nihol print”, 205 b.
18. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Korxonalarda operatsion faoliyat samaradorligini tahlil qilish masalalari. *World Scientific Research Journal*, 26(3), 86–94. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsri/article/view/3251>
19. Косимович, Я. У. (2024). Ташқи савдо фаолиятида мақбул ечимни топиш масалаларини таҳлили. *World scientific research journal*, 26(2), 199-205.
20. Tulaev, M. (2024). Moliyaviy hisobot konsepsiyalari. *Nordic_Press*, 2(0002).
21. Абдуллаев, А. Б. (2019). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА И АНАЛИЗА НАЛОГОВ. In *БУХГАЛЬТЕРСКИЙ УЧЕТ: ДОСТИЖЕНИЯ И НАУЧНЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ XXI ВЕКА* (pp. 10-17).
22. Kasimovich, Y. U. (2021). Developing A Model On The Basis Of A System Of Indicators Determining The Efficiency Of Foreign Trade Activities. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry*, 12(7).
23. ҚЛИЧЕВ, . Б. П. (2022). ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛЛИГИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373>

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

24. Кличев, Б. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишилаб чиқарии ҳажми таҳлилини тақомиллаштириши масалалари. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(01), 170–173. <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173>
25. Tulaev, M. (2024). T BUXGALTERIYA HISOBINING SCHYOTLARI VA ULARNING MOHIYATI. Nordic Press, 2(0002).
26. Qlichev, B. (2024). Korxonalar faoliyatini rivojlantirishda operatsion faoliyat tahlilining zarurligi. Mintaqani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari, Konferensiya to 'plami. Termiz, O'zbekiston. 15-iyun 2024-yil. <https://doi.org/10.5281/zenodo.11909171>
27. Choriev I.X. Auditorlik faoliyatida tahliliy amallarni takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – Toshkent: «Iqtisod-moliya»nashriyoti, 2021, - 21-26 b.
28. Кличев Бахтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишилаб чиқарии ҳажми таҳлилини тақомиллаштириши масалалари. *Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 13(7), 42–49. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782>
29. Klichev, B.P., Choriev, I. X. (2021). The Issues Of Business Activity Organization In Uzbekistan. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI).Volume 12, Issue 7, July 2021: 4587-4593.- URL:<https://www.tojqi.net/index.php/journal/article/view/4494>